

Олимжон Ҳайит

A young boy in a red shirt and grey pants is walking away from the camera on a gravel path that cuts through a lush green field. In the background, a dense urban skyline with various high-rise apartment buildings is visible under a clear blue sky. A construction crane is also visible among the buildings.

ШУМҚАДАМ

Олимжон Ҳайит

ШУМҚАДАМ

(Саргузашт-детектив қисса)

ТОШКЕНТ-2018

Ёши ўттиз бешга борган Лола опанинг эри ўлганига ўн йил ўтгач, бахти очилиб,етти қишлоқ наридаги сувчи Сувонқулга эрга тегадиган бўлди. Аввалига роса ўйлади. Тегсамми, тегмасамми деб обдон бош қотирди. Қўни-қўшниларга маслаҳат солди. Ҳаммалари эрга тегишни маслаҳат беришди. Туғмагани учунми, негадир Сувонқулнинг беш яшар ўғли Суюнбой малол келгандек туюлаверди. Бегона болаларни жини суймасди... Бир ўйлади, икки ўйлади. Эҳтирос баланд келаверди. Бунақанги пайтларда бола кўзга кўринамиди. Энамнинг ўрнида энам деб, девормиён қўшниси Суйди онадан оқ фотиҳа сўради.

Хола, — деди бошини хиёл эгиб. — ёшим ҳам ўтиб бораётганга ўхшайди. Энамнинг ўрнига оқ фотиҳа беринг, кўрганам-билганам шу бўлсин!.. Ичкуёвман деб мени изза қилмасин!

Суйди она ҳам Лола опанинг кўнглидагини айтди.

— Ишқилиб, топганларинг олтин бўлсин!..

Тўполон билан куёв келди. Кексалар дуо ўқиди. Лола опа умрида иккинчи марта оқ рўмолга бурканиб куёв бўлмишнинг қошида бош эгди...

* * *

Тўйдан сўнг икки кун ўтгач, Лола опанинг кўзлари катакдаги товукларни чўчитаётган Суюнбойга тушиб қолди. Болакай қикир-қикир кулиб товукхонага бетиним чўп суқар, товукларнинг безовта қақағлаши янада завқини келтирарди.

Вой яшшамагур-ей, — кўнглидан ўтказди у эри юз чаяётган тарафга ўғринча кўз ташлаб. — нега товукларимни чўчитаяпти-а? Улар арпасини хом ўрдимикан?..

Аммо эрининг олдида лом-мим деёлмади. Сувонкул ака қиш бўлгани сабаб апил-тапил нонушта қилиб даласига кетгач, Лола опа Суюнбекнинг қулоғидан олди.

— Ҳой, яшшамагур, товукларим орқангга кириб чикдимми-а?.. Нимага чўп тикасан катакка?..

Умрида бу тахлит дакки эшитиб кўрмаган Суюнбой доводи раб қолди. Оғриган қулоқларини маҳкам чангаллаганча томорқа томонга қочди.

Ҳой, етим, буёққа кел! — кичқирарди Лола опа болакайнинг ортидан. — Пишириб қўйибдимми

томорқада? Ҳозир памилдориларимни пайҳон қиласан! Чик буёққа дедим!..

Бола-да!.. Оғриқ зарбидан дарров юрак олдириб кўйди. То шом бўлмагунча томорқа тарафда тентираб юрди...

* * *

Сувонкул аканинг кутилмаган бахтдан боши гаранг эди. Кечқурун даладан уйга қайтганда, қаршисидаги лўмбиллаган, ҳар сўзини эркалаб тилига чиқараётган, ғаройиб сийналари кўзни қувнатгулик Лола опани кўриб, бутун чарчоқларини унутар, ҳатто, Суюнбойга ҳам кам эътибор қилиб қолганди.

Лола опа эса, бир ҳафта деганда, буткул безор бўлди.

Вей, қани буёққа кел! — ўшқирди у эри ишга кетиши билан кўлларини бигиз қилиб. — Сен ярамасга қанча уқтирай?.. На бир ишга ярайсан, на тинч ўтирасан... Қани, челақни ол-чи! Молларга сув таши!..

Беш яшар болакай кўлидаги рогаткани иложсизерга ташлаб, кўлига зил-замбил челақни олди-да, Лола опага умидвор термулди.

— Ҳа, нега аммамнинг бузоғидай мўлтираб турибсан? — бақириб берди Лола опа. — Бор,

анҳордан сув ташиб ҳов анави тоғорани тўлдири,
яшшамагур!

Суёнбой югурганча кўчага чиқиб кетди. Челак сув тўлдирилганда ҳам шу тахлитенгил бўлади деб ўйлаган эканми, жойидан жилдиролмагач, нима қилишни билмай хайрон бўлиб қолди. Бу орада Лола опанинг ўзи унинг ортидан чиқиб келди.

— Ҳа-а, — пичирлади у кўчанинг уёқ-буёғига ўғринча қараб олиб. — кучлариетмадими?.. Бетингдан бузилгур, молдай овқатейсан-ку, шу битта челакниям кўтаролмайсанми?.. Кўтар!..

Суёнбой кучана-кучана ниҳоят челак тўла сувни судраб ичкарига юрди. Ўн кило сув боланинг белини букди. Дарвозадан ўтиб ҳовлига қадам қўйганда чидай олмади. Тиззалари қалтираб беихтиёр сувни тўкиб юборди.

Вой оғзингдан қонинг келгу-ур! — ўшқирди Лола опа бир-бирига туташиб кетган қошлари чимирилиб. — Боягина супургандим-а!.. Ҳовлимни лойга ботирдинг-ку!.. Ҳа туғмай энанг ўлсин сени! Энагинанг ўлсин, шумоёқ!..

Шу пайт кўчадан кўшниси Холдор темирчининг ўн яшар қизчаси югуриб келиб қолди.

Хола, ҳой хола! — дея ҳансирай-ҳансирай сўз бошлади у. — Бузоғингиз анави... Бизнинг томорқада арқонига ўралиб қопти!..

Нима?.. Вой мен ўлиб қўя қолай!.. Нимага ўралади?..

Лола опа Суюнбойни ҳам унутиб кўчага югурди.

Ҳақиқатан ўз томорқасига бойланган бузоғи арқонини узган-у, кўшнининг бедазорига ўтиб ўтлай бошлаган. Ким билсин? Қандайдир ходага узилган арқон ўралиб бузоқ бўғила бошлабди...

Лола опа улгурмади. То ҳаллослабетиб боргунча, жонивор бўғил-бўғила жон берди...

* * *

Бу шумқадамнинг дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! — кечкурун Сувонкул ака даладан қайтгач, увиллаб йиғлай бошлади Лола опа. — Ана, бузоғимнинг бошигаётди бунингиз!..

Сувонкул ака аёлларнинг йиғи-сиғисига суяги йўқ эди. Дарров кўнгли бўшаб кетарди. Айниқса, суюклисининг аччиқ-аччиқ йиғлаб ҳасрат қилиши жуда оғир ботди.

— Ҳой Суюн, — дарвозахонада турганча ўғай онанинг йиғлашига кулоқ тутаётган ўғлини чорлади Сувонкул ака. — қани, бери кел-чи!..

Суюнбой кўрқа-писа отасига яқин борди.

— Нимага энангни хафа қилдинг-а? Нимага бузоқни ўлдирдинг?

Суюнбой лаблари титрай-титрай оҳиста жавоб қилди.

— Мен ўлдирмадим, ота!

— Бўлмаса мен ўлдирдимми?.. Сен болани...

Ота даст ўрнидан турди-да, болани тарсакилаб юборди.

Суюнбой додлаганча кўчага қараб югурди...

Лола опа иш бундай кечишини кутмаганми, бақа бўлиб қолганди...

* * *

Ярим тун. Эр-хотин Суюнбойнинг қаердалиги билан ҳам қизиқиб кўришмади. Апил-тпаил овқатни ейишди-да, ёз бўлгани сабаб пашшахона ичига ўзларини уришди. Даладаги чарчоклардан бир кечагагина бўлса-да кутулган Сувонкул ака Лола опани маҳкам бағрига босиб ўзига тортди. Аёл кучли қўллар оғушида мойдай эриб ўзини қўйиб юборди...

Шу пайт шундоқ ёнгиналарида нимадир жаранглаб, эр-хотин сапчиб ўринларидан туришди-да, пашшахонанинг бир четини кўтаришди...

Яна Суюнбой экан. У нимани тушунарди? Сўрининг бир четига бекитиқча ўтириб дастурхонда отасидан қолиб кетган ярим коса овқатниємоқчи бўлган-у, беихтиёр қўлидаги коса полга тушиб чил-чил синган...

— Вой шўри-им!.. — Лола опа ич кийимдалигига ҳам қараб ўтирмай, ичкаридан отилиб чикди. — Кўринг, отаси, болангизни!.. — жаврашга тушди у. — Кўрдингизми?.. Кечагина сандикдан олган косанинг бошигаетибди.

Падарингга лаънат!.. — Сувонқул ака ўғлининг қулоғидан олди. — Сен тинчлик берасанми-йўқми-а?.. Турган-битганинг зиёғ бўлмай ўлгур!.. Бор ёт жойингга!..

Қорним оч, ота!.. — йиғламсираб Сувонқул аканинг кўзларига илтижо аралаш боқди Суюнбой.

Қорнингга қора илон кирсин сени! — шанғиллади Лола опа. — Қорнингни қора илонлар кемирсин-а!.. Отанг айтди-ку ёт деб! Бор, қандеб турибсанми буерда?..

Аяси, нон-пон бериб қўяйлик, майли! Тағин...

Ҳа нонемай захарни заққуминиесин бу тирмазак!.. Ўзи бузоғимни ўлдиргандан бери шуни кўрсам, кўзимга балодай кўриниб кетаяпти!..

Лола опа сўзлана-сўзлана, ичкаридан бир бурда сўли қочган нон олиб чикди-да, Суюнбойнинг кўлига тутқазди.

Ма, евол захрингга!..

* * *

Эртаси куни ҳам Лола опа аламидан чиқолмади. Оғилхонага кириб сигирининг бетиним мўърашини эшитгач, юраги сиқилиб ташқарига чикди. Аксига олгандек, Суюнбой сўрининг ёнига туриб олганча, у томонга термулиб турган экан. Жон-пони чиқиб кетди.

Қани, буёққа кел, шумқадам!.. — остонадан туриб қичқирди Лола опа. — Тез кел!..

Суюнбой кўрка-писа ўгай онага яқин борди.

Отанг йўғида бир адабингни берай сен жувонмаргнинг!.. — шундай деди-да, Лола опа уни оғилхонага олиб кирди. — Анави сомон тўла тоғорани кўрдингми?

Ҳ-ха, кўрдим... — жавоб қилди Суюнбой.

Тезда терит қил-чи!..

М-мен... Билмайман-ку!..

Сендан биласанми деб сўрадимми-а?.. Бўл, энгашиб устига сув қуй-да, кейин аралаштир!..

Бола итоаткорона тоғора устига энгашди-да, рўпарада турган челак ичидаги чўмични олиб



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3574> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3574> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3574>